



ХАТ САНЪАТИ

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат  
музейи катта илмий ходими **Валиева Ҳадияхон***

*Сабр билан чизилган хар чизиқ,  
Рухнинг энг нозик ифодасидир  
Хат-бу сукутдаги гўзалликдир.*

*VIII-XIX асрларда Наманган адабий муҳитида хаттотлик ва  
муқовасозлик*

Хаттотлик (арабча-калиграфия)-ёзув, хат санъати (калиграфия, хуснихат), китоб кўчириш касби деган маънони англатади. Хаттотлик Ўрта Осиёда қадимдан ривож топган. Инсоният тарихида ёзув пайдо бўлганидан кейин махсус кишилар хаттотлик билан шуғуллана бошлаганлар.

Айниқса, араб ёзуви тарқалганидан кейин хаттотлик кенг ривож топган. Ўрта Осиёда матбаатчилик вужудга келгунга қадар китоб тайёрлаш, уларнинг нусхасини кўпайтириш иши билан хаттотлар шуғулланган. Мирзо Бойсунғур саройида 40 та хаттот ишлаган. Амир Темур ҳукмронлиги даврида настаълиқ услуби яратилган. Уни яратган машҳур хаттот Мирзали Табризий, шунингдек Султонали Машҳадий, Мажнун ибн Камолиддин Рафикий, Дарвиш Муҳаммад ибн Дўстмуҳаммад Бухорий, Мунис Хоразмий, Исҳоқхон тўра Ибрат Тўрақўрғоний кабиларнинг хаттотлик ҳақидаги рисоалари бизгача етиб келган. Уларда ёзилишича хаттотликда 7 хил асосий санъат мавжуд. Сулс, муҳаққак, насх, тавқеъ, риқо таълик, насталик. VII асрда араб ёзувининг кенг тарқалган услубидан бири куфий хати ихтиро қилингунгача (ихтирочиси Яъраб ибн Яхтон) Ўрта Осиёда турли ёзув усуллари мавжуд бўлган. Масалан, маккаий, маданий, басарий ва бошқалар. Куфий ёзуви кўпгина обидаларнинг нақшларида сақланиб қолган. Ҳалифа Муқтадир замонида яшаган олим Муқла (864-934) хатти ситти (сулс, муҳаққак, райҳоний, тавқеъ, риқо) ихтирочиси деб тан олинган.



“Хатти Бобурий” (“Бобур хати”) Захириддин Муҳаммад Бобурнинг рисолаши ва шу рисолада илгари сурилган хат тури. “Хатти Бобурий” алифбоси араб алифбоси асосида тuzилган бўлса-да, бу алифбодан баъзи жиҳатлари билан ажралиб туради. Аммо бу ҳам араб алифбоси сингари 29 харфдан иборат. Рисолада Бобур араб алифбосини таҳрир қилиб, ёзувни соддолаштириш ва осонлаштириш йўлидан боради ва шу мақсадда уни туркий тилнинг талаффуз меъёрларига мослаштиришга ҳаракат қилади. У Ҳиндистонда эканлигида бу хат билан китобат қилинган ўзининг бир қанча шеърларини Мовароуннаҳр ва Афғонистонга Ҳумоюн Мирзо, Хожи Калон ва Ҳиндол Мирзога жўнатган эди. Хатти Бобурий билан муқаддас Қуръони карим ҳам кўчирилган ва у “Мусҳафи Бобурий” деб аталган.

Бу ноёб кўлёзма Машҳад шаҳри (Эрон)даги Имом Ризо ёдгорлик мажмуаси кутубхонасида, ксеронусхаси Андижон шаҳридаги “Бобур ва жаҳон маданияти” адабиёт музейида сақланади.

Наманган диёри кўплаб олимлар, орифлар, фозилларни дунёга келтирган ва вояга етказган. Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Форобий ва бошқа улўғ олимлар қаторида Наманган ўлкасидан ҳам жаҳон фани ривожига катта ҳисса кўшган алломалар етишиб чиққан. Наманган диёри ўзининг хаттотлари билан ҳам машҳур бўлиб келган.

Шулардан бири Муҳаммад Юсуф ибн Имомуддин Ахсикатийдир. Бу инсон XVI асрнинг охири XVII асрнинг биринчи ярмида яшаган ахсикатлик аҳли илм намоёндаси ҳамда хаттот, котиблардан бири ҳисобланган Ахсикатдан Самаркандга келиб, Улуғбек мадрасасида ўқийди. 1604 йилда Шарофиддин Ҳанифийнинг рисоласини насх хатида юксак маҳорат билан кўчириб ёзган.

Яна бири Иброҳим ибн Юсуф бин Имомуддин Ахсикатийдир. Иброҳим Муҳаммад Юсуфнинг ўғли бўлиб, ёшлигидан илмларни ва хаттотлик санъатини отасидан ўрганган. 1652 йилда Муҳаммад Исматуллоҳ бин Неъматуллоҳ ал-Бухорий ар-Ревгарийнинг асарини кўчириб ёзган ва вақф қилган.



Яна бири Мулла Абдуллоҳбин Мулла Тошпўлат Намангоний. XVIII аср охири XIX аср бошида яшаган наманганлик котиб ва хаттот. 1802 йили Сўфи Аллаёрнинг “Маслакул-муттақийн” номли асарини наста

тўлиқ хатида зўр маҳорат билан кўчириб ёзган.

Ҳозир маскур асарлар Тошкент шаҳридаги Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшуностлик илмий-текшириш институтининг кўлёмалар хазинасида 1577-рақами остида сақланмоқда

Яна бири Муҳаммад Олим ибн Охунд домулла Муҳаммад Шариф Намангоний. ( XIX аср Наманган шаҳри ) –хаттот, котиб, 1811 йилда Алишер Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний” асарини юксак дид ва маҳорат билан настаълиқ хатида кўчириб ёзган. Китоб 464 вароқдан иборат Ҳозирда бу асар Душанбе шаҳрида Тожикистон Фанлар Академияси Шарқшуностлик институтининг китоблар хазинасида 795-1 рақами остида сақланмоқда. Шунга ўхшаш кўплаб муқовасозлар, хаттотлар Наманган шаҳрида ижод қилишган Улардан бири Сахҳоф XXаср 30-йилларда Сахҳоф, шоир. Мулло Муҳаммад Обиджон ибн Мулло Муҳаммад Қобул Охунди Намонгоний номи билан машҳур бўлган.

Яна бири Мулла Акрам ибн Домулло Шох Каромат Охунди Намонгоний-(XIX аср II-ярми, Наманган шаҳри -1943йилда) –шоир, хаттот, олим. Кунжий тахаллуси билан туркий ва форс-тожик тилларида ижод қилган. У хушхат киши бўлиб, ўз асарларини, бир қанча рисола ва китобларни насъталиқ хатида маҳорат билан кўчирган.

Наманганлик китоб муҳлислари ўлкамизда мавжуд бўлган адабий ёдгорликларни ҳар доим юксак кадрлаганлар ҳамда кўз қорачиғидай авайлаб асраганлар. Замонанинг таҳликали ва офатли йилларида ҳам бу ёдгорликларнинг кўпчилигини сақлаб қолишга эришган.



## Фойдаланилган адабиётлар

1. “Тамаддун ” журнали №4-5 (126-127) 26.02.2023йил.
2. Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи Адабиёт ва санъат бўлимидаги “Хаттотлар санъати” маълумотлари.
3. Интернет саҳифалари.